

УДК 594.3(575)

## ХОРАЗМ ВОҲАСИ ҚУРУҚЛИК МОЛЛЮСКАЛАРИНИНГ ТЕКИСЛИК БИОТОПЛАРИДА ТАРҚАЛИШИ

**Авазметова Интизор Ражапбоевна**

Хоразм Маъмун академияси таянч докторанти

[intizoravazmetova2311@gmail.com](mailto:intizoravazmetova2311@gmail.com)

**Матякубова Юлдузхон Аманбаевна**

Урганч Давлат университети биология кафедраси доценти

**Юлдашева Шахноза Хасанбой қизи**

Урганч Давлат университети магистранти

### АННОТАЦИЯ

Хоразм воҳаси текисликларидида қуруқлик моллюскаларининг 3 та биотопда тарқалиши ва зичлиги аниқланган. Ушбу ҳудудда қуруқлик моллюскаларининг 14 тури мавжуд бўлиб, кенг тарқалган турларга *Xeropicta candacharica* (2-биотопда) *C. nitens*, *V. costata*, *P. muscorum*, *Deroceras laeve* (3-биотопда) учраб, *X. candacharica* доминант тур ҳисобланиб, унинг популяциядаги зичлиги максимал 100-110 тани ташкил этиб, ўртача зичлиги 93,3 тенг.

**Калит сўзлар:** қуруқлик моллюскаси, тур, популяция зичлиги, биотоп.

### ABSTRACT

In the plains of the Khorezm oasis, the distribution and density of terrestrial mollusks in 3 biotopes were determined. There are 14 species of terrestrial mollusks in this region, the most common species are *C. nitens*, *V. costata*, *P. muscorum*, *D. laeve* (in 3 biotopes), *X. candacharica* is the dominant species, its average density in the population is 100-110. density is 93.3

**Keywords:** terrestrial mollusk, species, population density, biotope.

Ўзбекистон текислик қисмида қуруқлик моллюскаларнинг биотоплар бўйича тақсимланиши ва популяциядаги зичлиги А.Пазиловнинг бир қатор (Пазилов А, 1996; Пазилов А, 2004) ишларида тадқиқ қилиниб, олинган натижаларга кўра биотоплар бўйича турларнинг популяциядаги зичлиги турлича.

Ўзбекистон шимоли-ғарбий қисмида жойлашган Хоразм воҳаси асосан текисликлардан ташкил топган. Ушбу ҳудуд суғориладиган деҳқончилик-

боғлар, беда плантациялари, сабзовот, полиз экинлари, пахта ва бошқа техник экинларига мўлжалланган.

Тадқиқот худудида чиғаноқли моллюскаларни йиғиш А.А. Шилейко (Шилейко А.А., 1984), шиллиққуртларни йиғиш эса И.М. Лихарев ва А.Й.Виктор (Лихарев И.М., Виктор А.Й., 1980) методикаси бўйича амалга оширилди.

Хоразм воҳаси текисликдаги биотопларида куруклик моллюскалари куйидагича:

**1-биотоп. Мевали боғлардаги ариқ бўйларида ўсадиган ўтли ўсимликлар.**

Бу биотопда: *Cochlicopa nitens*, *C. lubrica*, *Vallonia costata*, *V. asiatica*, *Xeropicta candacharica*, *Zonitoides nitidus*, *Deroceras laeve*, *Macrochlamys turanica* ва ўсимликлар поясида *Novisuccinea evoluta*, *Oxyloma elegans* турлари учраб, уларнинг популяциядаги зичлиги турлича. Масалан, Боғот тумани, Дехқонобод, Найман қишлоғи ариқ бўйларига яқин жойлардаги ўтлар орасида *C. nitens* нинг популяциядаги зичлиги 1м<sup>2</sup> майдонда 8-9 дона учраса, бу кўрсаткич Қорақалпоғистон Республикаси Амударё тумани турли хил боғлардаги ариқ бўйларидаги ўтлар орасида бу кўрсаткич 4-5 тага тенг. *C. lubrica*, Хива тумани, Беруний ва Соёт қишлоғи олма боғлари остидаги ўтлар орасида популяциядаги зичлик кўрсаткичи 10-12 тага тенг бўлса, Қорақалпоғистон Республикаси Амударё ва Беруний туманларида худди шунга ўхшаш биотопда бор йўғи 1 м<sup>2</sup> майдонда 2-3 дона учраши мумкин. *V. costata* ва *Z. nitidus* тури юқоридаги иккита тур билан бирга яшаб популяциядаги зичлиги 5-8 тани ташкил қилади. Бироқ, *V. costata* нинг Урганч тумани, Чаккашоликор қишлоғидаги боғларда оқар ариқ сувларига яқин бўлган ўтлар орасида 1м<sup>2</sup> майдонда 12-13 дона учратиш мумкин. Хонқа тумани, Қорақош қишлоғи мевали боғлардаги ариқ бўйларида ўсадиган ўтли ўсимликлар орасида учрайдиган *V. asiatica* нинг популяциядаги зичлиги 3-4 та. *X. candacharica* турининг зичлиги юқори бўлиб, 1 м<sup>2</sup> майдонда 17-18 та учрайди.

*D. laeve* ва *M. turanica* турлари юқорида муҳокома қилинган турлар билан бир хил биотопда, бошқа худудда яшаб, бироқ популяциядаги зичлиги уларга қараганда анча юқори. Масалан, Хива тумани, Беруний ва Соёт қишлоғи олма боғлари остидаги ўтлар орасида *D. laeve* ни популяциядаги зичлиги 15-17 та, *M. turanica* эса 12-14 тани ташкил қилса, Боғот тумани, Найман қишлоғи атрофидаги ариқ бўйларига яқин жойлардаги ўтлар орасида, мос равишда 20-22 ва 16-18 тага тенг бўлса, Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот туманидаги худди шундай биотопдаги популяциядаги зичлик кўрсаткичи *D. laeve* ники 5-7 та, *M. turanica* 3-4 тани ташкил қилади.

Ариқ бўйлари ва унга яқин жойлардаги ўтлар поясида *Novisuccinea evoluta*, *Oxyloma elegans* турлари учраб, *N. evoluta*, Боғот тумани, Найман ва Хўжайлик қишлоғи атрофидаги ариқ бўйларида яқин жойлардаги ўтлар поясидаги зичлиги 9-10 та бўлса, Урганч тумани, Юқори Дўрман қишлоғи атрофидаги боғларда ўсимликлар орасидаги популяциядаги зичлиги 6-8 тага тенг бўлса, Қорақалпоғистон Республикаси Амударё, Беруний туманлари боғлардаги ариқлар ёққасидаги ўтлар поясида яшайдиган *O. elegans* нинг зичлик кўрсатгичи 2-3 тага тенг.

**2-биотоп. Аҳоли томорқаларидаги беда плантациялари** да *C. lubrica*, *P. muscorum*, *Phenacolimax annularis*, бедани остида яшаса, *X. candacharica* эса асосан поясида яшайди. Бу турларнинг популяцияда зичлиги қуйидагича. Боғот тумани, Найман қишлоғи аҳолига тегишли беда майдонларида 1м<sup>2</sup> майдонда 8-9 та *C. nitens* учрайди. Хива тумани, Соёт қишлоғида тут кўчатлари орасига экилган беда майдонлари остида 1 м<sup>2</sup> майдонда 10-12 та *C. lubrica*, 5-6 та, *P. muscorum* учраса, беда поясида эса, *X. candacharica* нинг зичлик кўрсатгичи 25-30 тага тенг бўлиб, беда ўриб олингандан кейин, популяциядаги зичлик кўрсатгичи 50-60 тани ташкил қилади. Боғот тумани, Дехқонобод қишлоғидаги очиқ майдонлардаги бедазорларда популяциядаги зичлик кўрсатгичи энг юқори бўлиб 100-110 тага тенг. *Ph. annularis* нинг популяциядаги зичлик кўрсатгичи энг паст бўлиб, Боғот тумани, Найман қишлоғи беда майдонларидаги ариқ бўйлари да 1м<sup>2</sup> майдонда 3-4 та учрайди.

**3-биотоп. Полиз ва сабзовот экин майдонлари ҳамда иссиқхоналар атрофи**, бу биотопда асосан шилликқуртлардан *Deroceras laeve*, *Deroceras reticulatum* ва *Deroceras caucasicum* учрайди. Хива тумани, Беруний қишлоғи атрофидаги полиз ва сабзовот экин майдонлари ҳамда иссиқхоналар атрофида *D. laeve* нинг популяциядаги зичлиги 1 м<sup>2</sup> майдонда 15-20 та бўлса, Боғот тумани, Дехқонобод ва Найман қишлоғи атрофидаги полиз экинлар экиладиган майдонлар четида зичлик кўрсатгичи 25-30 тага тенг.

Бошқа шилликқуртлар сингари *Deroceras caucasicum* турининг зичлиги ёғин-сочин микдорига боғлиқ бўлиб, 2021 йилда, Хоразм вилояти, Гурлан тумани Обод қишлоғи, Мевазор маҳалласидаги аҳолига тегишл помидор майдонлари атрофида 1м<sup>2</sup> майдонда 15-16 та учраган бўлса, 2022 йили бу кўрсатгич 50-55 тани ташкил қилган. Ушбу турнинг популяциядаги зичлиги Қорақалпоғистон Республикаси, Амударё, Беруний, Кегейли, туманларидаги турли хил полиз ва сабзовот экин майдонлари атрофидаги популяция зичлик кўрсатгичи ўрта ҳисобда 12-15 тага тенг.

*Deroceras reticulatum* турининг популяциядаги зичлиги юқоридаги турларга нисбатан бир оз пастроқ бўлиб, Урганч тумани, Юқорибоғ қишлоғи, Боғдорчи маҳалласидаги аҳолига тегишли бўлган сабзовот экилган томарқаларда 1м<sup>2</sup> майдонда 9-10 та учраса, Қорақалпоғистон Республикаси, Амударё, туманида фермер хўжаликларга тегишли бўлган полиз экинлари атрофидаги ўтлар орасида зичлик кўрсаткичи 6-8 тага тенг.

Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, тадқиқот ҳудудининг текислик қисмида 3 та биотопда куруқлик моллюскаларининг 14 тури учраб, кенг тарқалган турларга *Xeropicta candacharica* (2-биотопда) *C. nitens*, *V. costata*, *P. muscorum*, *Deroceras laeve* (3-биотопда) учраб, *X. candacharica* доминант тур ҳисобланиб, унинг популяциядаги зичлиги максимал 100-110 тани ташкил этиб, ўртача зичлиги 93,3 тенг

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Лихарев И.М., Виктор А.Й. Слизни фауны СССР и сопредельных стран (Gastropoda Terrestria Nuda) Фауна СССР. Моллюски. - Л.:Наука, 1980. Т.3. Вып.5. № 122. 437 с.
2. Пазиров А. Мирзачўл ўлкасида тарқалган куруқлик моллюскаси *Xeropicta candacharica* турининг ҳаёт даражаси ва хўжалик аҳамияти // ГулДУ профес-ўқит. ва талабаларининг ХХХ анъанавий илм-наз. анж. - Гулистон, 1996. 6 – 7 - б.
3. Пазиров А. Распределение наземных моллюсков по биотопам равнинной части Узбекистана // Вестник ГулГУ. – 2004 б - №2. - С.18- 20.
4. Шилейко А.А. Наземные моллюски подотряда Pupillina фауны СССР (Gastropoda, Pulmonota, Geophila) Фауна СССР. Моллюски. - Л.: Наука Ленинградское отделение, 1984. Т.3. Вып .3. № 130. - 399 с.